



22
(1496)-son
4-iyun
2021

Хабар

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

БЕЛАРУСГА ТАШРИФ: ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ЭЪТИРОФ, МУҲИМ УЧРАШУВ ВА КЕЛИШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов бошчилигидаги АКТ вазирлиги масъул ходимлари жорий йилнинг 1-4 июн кунлари Беларус Республикаси пойтахтида ташкил этилган “ТІВО-2021” халқаро ахборот-коммуникация технологиялари форумида иштирок этишди.



Худудларга ташриф

ИШЧИ ГУРУҲ СУРХОНДАРЁДА

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ишчи гуруҳи аъзолари хизмат сафари билан Сурхондарё вилоятида бўлишди. Сафар Термиз шаҳридаги информатика ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилган 16-таъанч мактаби фаолияти билан танишдан бошланди.

2020 йил 6 октябрдаги “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига асосан 2023 йил якунига қадар барча туман (шаҳар)ларда босқичма-босқич 205та информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши белгиланган. Ҳозирги кунга қадар республика бўйича 14та ана шундай мактаблар фаолияти йўлга қўйилган.

Термиздаги 16-мактабни ҳам информатика ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилган таянч мактабига айлантиришга қарор қилиниб,

ушбу таълим даргоҳи таъмирланди. “Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази” ДУК эса иккита информатика, робототехника, лаборатория, ўқитувчилар хоналари ва электрон кутубхонани компьютерлар ва мебеллар билан жиҳозлади. Шу йилнинг феврал ойида таянч мактаби расман иш бошлади.



ЭНДИ ИНТЕРНЕТ ТЕЗЛИГИ “...ГАЧА” ЎЛЧАМИСИЗ АНИҚ КЎРСАТИЛАДИ

Жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб интернет тезлиги “...гача” кўрсаткичисиз тақдим этилади. Бу ҳақда “Ўзкомназорат” операторлар ва провайдерларга тегишли кўрсатмани юборди.

Регуляторнинг регламентига кўра, компаниялар тариф режалари тавсифида интернет тезлигини аниқ маълумотлар билан кўрсатишлари керак.

“...гача” бу ўлчам эмас ва бунда тезлик ноаниқлигига қолади.

Мазкур ўлчамини олиб ташлаш зарурати ҳақида 2018 йилдаёқ муҳокама қилинган эди. Кейинчалик эълон қилинган тезлик ҳақиқий тезликка мос келиши кераклиги таъкидланган, ammo амалда “...гача” ўлчами қолиб кетаётганди.



NAND ФЛЭШ-ХОТИРАЛАР ГЛОБАЛ БОЗОРИ

(2021 йил 1-чораги,
тушум, млн. доллар)

1. Samsung – 4 970,0
2. Kioxia – 2 775,5
3. WDC – 2 175,0
4. SK Hynix – 1 827,7
5. Micron – 1 650,0
6. Intel – 1 107,0

- Бошқалар – 312,6
- ЖАМИ – 14 817,8



Манба: TrendForce

Харакатлар стратегияси

**Jumadan
Jumagacha**



30 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан Сеул шаҳрида видеоанжуман шаклида ўтаётган “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик – 2030” иккинчи халқаро саммити ишида иштирок этди. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида “яшил” тикланиш соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишларнинг муҳим йўналишларини қайд этди ҳамда бу борадаги халқаро ҳамкорликнинг истиқболлари юзасидан ўз нуктаи назарини баён қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 май куни туризм, шаҳар инфратузилмаси, саноат соҳаларидаги лойиҳалар ҳамда Алишер Навоий мақбарасини таъмирлаш ва тиклаш борасида амалга оширилаётган ишлар тақдироти билан танишди. Президентимиз буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий мақбарасини таъмирлаш ва тиклаш, унинг атрофини ободонлаштириш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратди. Лойиҳага кўра, мақбаранинг кириш ва қолган йўлакларига Ҳазрат Навоийнинг ҳикматли сўзлари битилган китоб кўринишидаги белгилар қўйилади ҳамда декоратив ўтиригичлар ўрнатилади.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар иқтисодиёти, аҳоли турмуш шaroитлари билан яқиндан танишиш мақсадида 1–2-июн кунлари Сурхондарё вилоятида бўлди. Давлатимиз раҳбари икки кунлик амалий таширифи давомида вилоятдаги энергетика, агросаноат, савдо ва қишлоқ хўжалиги лойиҳалари салоҳияти билан танишди, бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2 июн куни шу йилнинг 24–31 май кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, азму шижоатли ўзбек фарзандлари қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор исботлаган бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоасига табрик йўлади.

Матбуотда Ўзбекистон Президентини имзолаган “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармон, “Jfo.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора–тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.



1

БЕЛАРУСГА ТАШРИФ: ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ЭЪТИРОФ, МУҲИМ УЧРАШУВ ВА КЕЛИШУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН–БЕЛАРУС: АКТ СОҲАСИДАГИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Ташриф доирасида АКТ вазири Ш. Содиқовнинг Беларус Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш вазири Константин Шулган билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Беларус ўртасида АКТ соҳасидаги шериклик муносабатлари узоқ тарихга эга эканлиги таъкидланди. Ҳозирги кунда рақамли технологиялар соҳасида Беларус билан ҳамкорлик ҳукуматлараро ва идоралараро келишувлар асосида амалга оширилаётгани қайд этилди.

АКТ ВАЗИРИ УЧИНЧИ ЕВРОСИЁ РАҚАМЛИ ФОРУМИДА СЎЗГА ЧИҚДИ

АКТ вазири Ш. Содиқов сўзининг аввалида давлат сиёсатининг стратегик мақсади — Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги босқичига, яъни рақамли ҳукуматга ўтиш ва рақамли жамият, мамлакатнинг барқарор иқтисодий–иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётини таъминлаш, фуқароларнинг турмуш тарзини яхшилаш, инсонларнинг эҳтиёжлари ва эркин ривожланишини қондириш учун кенг имкониятлар яратиш, қадриятларга асосланган ривожланиш моделини амалга ошириш эканини таъкидлади.

Шу мақсадда “Рақамли Ўзбекистон–2030” стратегияси қабул қилингани, бугунги кундаги барча ўзгаришлар мамлакатда “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракат қилади” тамойили асосида ишлайдиган виртуал ҳукуматнинг тўлақонли моделини яратиш орқали давлат фаолиятининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлашга қаратилгани қайд этилди.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАҚАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ташрифи доирасида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири “Рақамли келажак” форумида ҳам сўзга чиқди. Вазири ҳозирги кунда рақамли технологиялар иқтисодий ўсишнинг энг муҳим манбаларидан бирига айланаётгани, бу аниқса, пандемия даврида ўз исботини топганига алоҳида уру берди.

Форум доирасида Ш. Содиқов Ўзбекистондаги рақамли ислохотлар ҳақида батафсил маълумот бериш баробарида,

ҳамжиҳатликда амалга оширилиши талаб этиладиган муҳим вазифаларни ҳам санаб ўтди:

Жумладан, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжатларни ўзаро эътироф этиш. Бу эса, ўз навбатида, халқаро миқёсда тан олинган электрон ҳужжатларни биргаликда жорий этиш, савдо–иқтисодий ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга имкон яратди.

Иккинчидан, “инсон капитали” тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган таклифларни ишлаб чиқиш, жумладан таълим ва кадрларни тайёрлаш масалалари, ёшларни табиий фанларга қизиқишини орттириш, аҳоли ўртасида рақамли кўникмаларни шакллантиришга қулай бўлган экотизимни яратиш.

Учинчидан, фуқаролар ўртасида рақамли иқтисодиётга нисбатан ишончини янада ошириш, ахборот хавфсизлик таҳдидларга қарши ва маълумотларни бошқариш учун биргаликда чораларни ишлаб чиқиш.



“IWA IT PARK” КОМПАНИЯСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

АКТ вазири Ш. Содиқов “IWA IT Park” компанияси директори Сергей Акулич билан учрашди.

Учрашув давомида ҳудудий IT марказлар учун IT–мутахассислар ва ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича қўшма дастурларни ташкил этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди.

БЕЛАРУС ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАР МИЛЛИЙ МАРКАЗИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Халқаро форум доирасида Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази ва Беларус Республикаси Электрон хизматлар миллий маркази ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Меморандумдан асосий мақсад – Ўзе-

бекистон ва Беларус ўртасида электрон ҳукумат соҳасида амалий ҳамкорлик ва тажриба алмашишни йўлга қўйишдан иборатдир.

Меморандум доирасида томонлар ўзаро манфаатли устувор йўналишларда, шу жумладан, электрон ҳукумат инфратузилмасини, ахборот тизимларини ва ресурсларини ривожлантириш, электрон давлат хизматлари миллий порталини ривожлантириш каби бир қатор йўналишларда биргаликда ишлаш ва тажриба алмашишга келишиб олдилар.

АКТ ВАЗИРИ ВА ХАЛҚАРО ЭЛЕКТРАЛОҚА ИТТИФОҚИНИНГ МДХ БЎЙИЧА МИНТАКАВИЙ ВАКОЛАТХОНАСИ ДИРЕКТОРИ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

Шўҳрат Содиқов Халқаро электралоқа иттифоқининг (ХЭИ) МДХ бўйича минтақавий ваколатхонаси директори Наталья Мочу билан учрашди.

Минтақавий офис директори Н. Мочу таъкидлашча, Ўзбекистон ХЭИ билан фаол алоқада бўлиб, уларни муваффақиятли амалга ошириш учун давлат органлари, хусусий тузилмалар ва илмий доираларни жалб қилган ҳолда минтақавий ташаббусларни амалга оширади. Бунга мисол тарзида қишлоқ ва чекка жойлардаги телекоммуникация объектларини электр энергияси билан барқарор таъминлаш бўйича амалга оширилган лойиҳалар келтирилди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУС ЎРТАСИДА АКТ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА “ЙЎЛ ХАРИТАСИ” ИМЗОЛАНДИ

“ТІВО–2021” халқаро форуми доирасида икки мамлакат вазирлари — Шўҳрат Содиқов ва К. Шулган алоқа ва ахборот–коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича чора–тадбирлар режасини (“Йўл харитаси”) имзолашди.

Томонлар таъкидлаганидек, ушбу келишув икки мамлакат ўртасида АКТ соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда рақамли технологиялар соҳасида Беларус билан ҳамкорлик ҳукуматлараро ва идоралараро келишувлар асосида қатор йўналиш бўйича, жумладан, телекоммуникация, почта, IT тадбиркорлик, таълим, электрон ҳукумат соҳаларида амалга оширилоқда.

МУЛОҚОТ

АКТ ВАЗИРИ АНДИЖОН ШВЕЙЦАРИЯСИ — ХОНОБОДДА ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Ўтган ҳафта Хонободда “Вазир, ҳоким ва ёшлар учрашуви” бўлиб ўтди. Вилоятнинг энг сўлим гўшаси – “Хонобод” санаторийсида “айти” соҳасига қизиққан ўқувчию талабалар йиғилишди. Улар билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Хонобод шаҳри ҳокими Машъал Тожибоев учрашди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшларга йўллаган нутқи ҳамда ўтган йилда АКТ вазирлиги томонидан амалга оширилган ишлар акс этган қисқа видеоларга намойиш қилинди. Шундан сўнг шаҳар ҳокими Машъал Тожибоев сўзга чиқиб, бундай учрашувлар ёшларга яхши мотивация беришини таъкидлаб, АКТ вазирлиги билан домий ҳамкорликда ишлашга тайёрлигини билдирди.

– Азиз Хонобод ёшлари, – дея сўз бошлади АКТ вазирлиги Шухрат Содиқов. – Президентимиз “Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида қадрлайман”, деб ёшларга катта ишонч билдирган. Мана бугун биз ҳам вазирлик жамоаси сизлар билан мулоқот ўтказгани, қалбингизга қулоқ солиб,



мавжуд муаммоларни муҳокама қилиб, уларни ҳал қилиш учун келдик. Сизнинг ҳаётингизда қандай ўзгаришлар содир бўлмоқда? Сизларни қандай муаммолар қийнайди? Эришган ютуқларингиз ва келажакдаги режаларингиз мавзуларида ўртоқлашишга тайёрмиз.

Долзарб масалалар бўйича саволлар бериб мени, шаҳар ҳокимини, “айти” соҳаси ташкилотлари раҳбарларини ўйлашга мажбур қилинг. Қолаверса, яхши-яхши таклифлар бериб, соҳамизда амалга оширилаётган ислохотларда ҳам фаол иштирок этинг. Бугунги мулоқот

майдончасидаги учрашувимиз натижадорлиги бевосита Сизу-бизга боғлиқ.

Вазир ёшларни таълим олиш ва касб ўрганишга чорлади. Бунинг учун АКТ йўналишидаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари, Тошкент шаҳридаги ИНХА ва Амита университетларида барча шароитлар мавжудлиги, касб ўрганиш учун эса 130дан ортиқ Ракамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбирнинг савол-жавоб қисмида хонободлик ёшлар фаоллик кўрсатишди. Ўзларини қизиқтирган саволлар, таклиф ва ғояларни ўртага ташлашди.

АКТ вазирлиги Ш.Содиқов ёшларнинг баъзи таклифларини амалга ошириш учун ўрашувда қатнашаётган соҳа ташкилотларини бириктириб қўйди ва ижроси назоратини ўзим олиб бораман, деди.

Мулоқот якунида энг яхши савол, ғоя, таклиф берганлар ва энг ёш иштирокчиларга эсдалик совғалари берилди.

Ўз мухбиримиз

Фаррух Алиев олган суратлар

1 ←

ИШЧИ ГУРУХ СУРХОНДАРЁДА



Мақтабда жами 980 нафар ўқувчи таълим олади. Шу йил бошида имтиҳон ўтказилиб, ўттиз нафар ўқувчи информатика ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилган синфларга қабул қилинди.

Бу ерда Ишчи гуруҳ аъзолари ҳамроҳлигида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи Олимжон Умаров ва АКТ вазирининг ўринбосари Баҳромжон Олматов келишиб, мактаб ўқитувчилари билан мулоқот қилишди. Яратилган шароитлар билан танишди. Мактаб фаолиятини янада самарали йўлга қўйиш юзасидан фикр алмашинилди.

Шундан сўнг Ишчи гуруҳ “Ўзбек-телеком” АК Сурхондарё филиали Термиз шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг яқинда очилган сотув

ва хизмат кўрсатиш офисида бўлди.

Ўтган йилда вилоятда замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 51,3 минг рақамли 38та замонавий телекоммуникация қурилмалари ўрнатилиб, станциялар сони 122тага ва умумий сизими 112,8 минг рақамга етказилган эди. Шунингдек, 2021 йилнинг ўтган даври давомида 920 км. оптик тоғали алоқа линиялари қурилиб, умумий узунлиги 5 минг км.га етказилди.

Мижозларга замонавий телекоммуникация хизматларини тақдим этиш мақсадида 2021 йил 3 март куни Термиз шаҳрида UZTELECOM миллий операторининг замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш офиси очилди.

Ҳақиқатда бу масканда мижозлар учун барча шароитлар тўлақонли яратилган.

– Офисимизга кунига 40-50 нафар мижоз келади, – дейди биз

билан суҳбатда офис менежери Фазлиддин Эшқулов. – Асосан “Ўз-Мобайл” карталарини сотиш, IPTV, интернетга улаш ва хонадонларга уй телефонларини тушириш сингари хизматларни кўрсатамиз.

Фазлиддин Тошкент ахборот технологиялари университетининг ахборот технологиялари сервис йўналишида таҳсил олиб, 2020 йили ишга келган. Унга ишонч билдирилиб, зиммасига менежерлик сингари масъулиятли вазифа юкланган. Умуман олганда, филиалда Фазлиддин каби иқтидорли ёшлар кўп.

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятидаги аҳоли масканлари 104та алоқа бўлимлари орқали почта хизматлари билан қамраб олинган. 32та алоқа бўлимида аҳолига 16 турдаги давлат ва банк хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Мижозларга почта хизматларини тақдим этиш мақсадида 2021 йил 5 май куни Термиз шаҳрида замонавий

савдо ва хизмат кўрсатиш офиси иш бошлади.

Умида Бобожонова ушбу офисда хизмат кўрсатиш оператори бўлиб ишлайди. Почта тизимида фаолиятни 1996 йили бошлаган. Қулай шароит, мижозларга тезкор хизмат кўрсатишдан мамнун.

Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази “Ўзбекистон почтаси” АЖ ходимларини давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ўқитиб, қайта тайёрлади ҳамда дастурий таъминотини йўлга қўйиб берди. Офис ходимларининг айтишларича, ташкилотлардан хат жўнатиш миқдори кўпайган. Бу ерда китоб савдоси ҳам йўлга қўйилган.

АКТ вазирлиги Ишчи гуруҳи шохбчада ходимлар учун янада қулай шароитлар яратиш бўйича тегишли тавсияларни берди.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Акмал ҚУДРАТОВ олган суратлар.

Электрон ҳукумат

Аҳолига янада қулайликлар яратиш, уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш, давлат хизматларидан тўсиқсиз, шаффоф ва адолатли фойдаланишлари учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 2021 йилда бир қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш марказининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталини ривожлантириш бўлими бош мутахассиси Даврон АХМЕДОВ билан бўлган суҳбатимизда талабгорлиги юқори бўлган Ягона порталда жорий қилиниши режалаштирилган янги хизматларга тўхталамиз.

60та ХИЗМАТ – 60 хил қулайлик



– Давлат раҳбарининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2021 йил охирига қадар электрон давлат хизматларини ботага ошириб, уларнинг сонини 300тага, масофавий хизматлар улушини эса камида 60 фоизга етказиш зарурлиги таъкидланган эди. Бу нафақат топширик, балки қайсибир маънода масъулият ҳамдир, шундай эмасми?..

– Ҳукуматимиз электрон ҳукумат соҳасига жуда катта эътибор қаратапти. 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг тасдиқланиши ҳам сўзимиз исботидир. Мазкур қарор доирасида ҳам 2021 йилда талабгорлиги юқори бўлган давлат хизматлари рўйхатини шакллантириш, тасдиқлаш ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жорий қилиш белгиланган. Буларнинг барчаси марказимиз зиммасига катта масъулият юклайди.

Бугунги кунда марказ томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кўп сонли талаб ва тақлифларини инобатга олган ҳолда, мавжуд давлат хизматларини таҳлил қилиш ҳисобига “2021 йилда давлат хизматларини устувор равишда электрон шаклга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури” ишлаб чиқилди ва Бош вазир томонидан тасдиқланди. Ушбу дастурда жорий йилда Ягона порталда бота давлат хизматларини жорий этиш белгиланган. Ушбу рўйхатдан асосан аҳоли томонидан кўп маротаба мурожаат қилинадиган, ижтимоий ҳимояга йўналтирилган, айниқса, тиббиёт тизими билан боғлиқ қатор электрон хизматлар ўрин олган.

Жорий этилувчи хизматларни қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин: фуқаролик, солиқ, тадбиркорлик, банк-молия, ижтимоий, телекоммуникация, кадастр, таълим ва бошқа соҳалар.

– Уларнинг бари янги бўладими?

– Бир қатор хизматларни янгидан жорий қилиш режалаштирилган. Лекин бота хизматнинг ҳаммаси ҳам янги эмас. Ичиди замон талабидан келиб чиқиб, аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида аввалдан мавжуд бўлган, аммо соддалаштиришни, такомиллаштиришни тақозо этадиганлари, замонвий тил билан айтганда, айрим хизматлар БПР (Business process reengineering) қилинади, яъни оптималлаштирилади.

– Ҳозирги кунга келиб топшириқда белгиланган бота электрон хизматлардан қайсылари ЯИДХПда ишга туширилган?

– Ушбу дастур чиққанидан бери шу кунга қадар марказ ҳодимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, қуйидагилари ишга туширилиб, юридик ва жисмоний шахслар томонидан фойдаланиб келинмоқда:

– COVID-19га вакцинациялаш (эмлаш) учун рўйхатга ёзилиш ёки бошқа маълумотларни олиш;

– фуқароларни республикадан чиқишда коммунал ва бошқа хизматлардан қарздорлиги (чеклов) мавжудлигини текшириш хизмати;

– ер ости сувларидан махсус фойдаланиш ёки уларни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш;

– гидрогеологик хулоса бериш;

– ер ости қудуқларини бурғулаш учун рухсатнома олиш;

– тадбиркорлик субъектлари автотранспорт воситаси конструкциясини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлиги ёки тугатганлиги ҳақида хабардор қилиш;

– автомобил йўлларини, йўл иншоотларини, темир йўл кесилмаларини, катта йўллар ва кўчалар бўйида жойлашган автомобилларга бензин қуйиш, газ тўлдирish ва газ қуйиш станцияларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш лойиҳаларини келишиш ва ҳоказолар.

– Зарурат бўлган ҳолатларда Ягона порталда чора-тадбирлар дастурида тасдиқланган хизматлардан ташқари бошқа электрон хизматлар ҳам жорий этилиши мумкинми?

– Албатта. Йил давомида турли ҳукумат қарорлари, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган электрон ҳукумат хизматларини ишга тушириш ҳам асосий вазифаларимиздан биридир.

Худди шундай вазифалар сифатида яқинда ишга туширилган ва ёшлар ўртасида жуда талабгорлиги юқори бўлган “Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл олган ёшларга имтиҳон харажатларини тўлиқ қоплаб бериш хизмати”ни ҳам келтириш мумкин. Ушбу хизмат жорий йил 1 майдан ишга туширилди ва ҳозирги кунда 30 ёшга бўлган ёшлар ўртасида энг талабгор хизматлар сифатида эътироф этиляпти. Ҳозирги кунга қадар ушбу хизматдан фойдаланиш бўйича дооата ариза келиб тушган.

Шунингдек, жорий йилда Молия вазирлиги билан биргаликда бюджет ҳисоби ҳисобчиси сертификатини олган жисмоний шахсларга бухгалтерия ҳисоби хизмати ҳодимларини тайёрлаш марказлари ўқиш харажатларининг бир қисmini қоплаш мақсадида компенсация тўлаб берилиши бўйича хизматни Ягона порталда жорий қилиш режалаштирилган.

– Назаримда, аҳоли ва тадбиркорларга янги электрон хизматлар рўйхатидан яна нималар ўрин олгани қизиқ...

– Бу рўйхатда юртдошларимизни йиллар давомида ўйлантириб келган “Фуқароликка қабул қилиш ва фуқароликдан чиқишга ариза топшириш хизмати”нинг ўрин олгани айтиш мудоаб бўлса керак. Авваллари турли идоралар эшиги ёнида сарғайиб ўтириш, жуда кўп маълумотномалар тўплаш, кейин навбат куттиш каби даҳмазалар одамларнинг кўнглини хира қиларди. Ҳозирги кунда бу тартиб анча енгиллаштирилган. Айниқса, хизматдан Ягона портал орқали уйдан чиқмаган ҳолда фойдаланиш, ҳатто тегишли тўловларни ҳам амалга оширишнинг имкони борлиги бу катта натижадир. Жорий йилнинг учинчи чорагида ушбу хизматни жорий этиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, йил давомида тадбиркорларга қўшимча қулайликлар яратиш, ортқча оврагарчилик, бюрократия,

қоғозбозликнинг олдини олиш мақсадида ҳамда license.gov.uz порталини ЯИДХПга интеграция қилиш ҳисобига янги хизматларни ишга тушириш режалаштирилган. Булар асосан лицензия бериш ва хабардор қилиш туридаги хизматлар ҳисобланади. Хусусан, жорий йилнинг 15 май санасига қадар қуйидаги давлат хизматлари ишга туширилди:

– алкохол маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш фаолияти учун хабарнома юбориш;

– умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотларни сотиш фаолияти учун хабарнома юбориш;

– кўча савдонини бошлаш тўғрисида хабарнома юбориш;

– қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш фаолияти учун хабарнома юбориш ва бошқалар;

– ўз-ўзини банд қилган шахсларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳоказолар.

– Энди бизга узоғимизни яқин қилаётган, қулай ва осон хизматларни тақдим этаётган, вақтимизни ва нақдимизни тежаётган Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳақида ҳам қисқача маълумот берсангиз.

– Ягона портал 2012 йил 30 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 378-сонли қарори асосида ташкил этилиб, 2013 йилдан “бир дарча” тамойили асосида ишга туширилган. Фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорида белгиланган низомга асосан амалга оширади.

Ҳозирги кунда ягона порталда юридик ва жисмоний шахсларга жами 25,2та электрон давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Жисмоний ва юридик шахслардан давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича жами 9,3 млн. ариза келиб тушган. Жумладан, маълумотномалар олиш, аризалар тўлдирish, хабарнома юбориш, рухсатномалар, турли хил гувоҳномалар, иш ҳақи, кредитлар тўғрисидаги маълумотномалар, никоҳдан ўтишга аризалар юбориш, хуллас, боғчага болаларни навбатга қўйишдан тортиб, тарбиркорликка лицензиялар олишгача бўлган хизматларни ўз ичига қамраб олган.

Шунинг учун ҳам портал фойдаланувчилари сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Масалан, биргина 2018 йилда улар сони 38 мингдан зиёдн ташкил этган бўлса, 2021 йил 1 январ ҳолатига кўра, ушбу кўрсаткич ярим миллионга етди.

Бундан ташқари, аҳолининг кенг қатлами ва ёшлар ўртасида ЯИДХПни омдалаштириш учун унинг мобил иловасини ҳам ишга туширганмиз. Бугунги кунда мобил иловада 35та электрон давлат хизматлари мавжуд. Лекин биз бу кўрсаткич билан чегараланиб қолмаймиз. Мобил иловадаги хизматлар сонини ошириш, қулайликлар яратиш, интерфейси ҳамда адаптациясини яхшилаш бўйича техник, ташкилий ва ҳуқуқий ишларни доимий равишда амалга ошириб, йил охирига қадар яна қўшимча 30га яқин электрон хизматларни жорий қилишни режалаштирганмиз.

– Яқин муддатларда шойинч ишга тушиши керак бўлган хизмат-

лар ҳам борми? Масалан, тегишли вақтда жорий этилса, кўплаб юртдошларимизга асқотадиган...

– Ҳозирги кунда шундай асосий режаларимиздан бири бу – 2021-2022 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига абитуриентлар томонидан ҳужжат топшириш жараёни. Айнан шу олдимида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Биламизки, август ойида барча олий таълим муассасаларига давлат имтиҳонлари бўлиб ўтади. Унгача ҳужжат топшириш босқичи бор. Карантиндан олдин жуда кўп абитуриентларнинг пойтахтга ёки бошқа йирик шаҳарлардаги олий таълим муассасаларига бир қатор ҳужжатларни кўтариб бориши, узундан узок навбатларда туришларини кузатардик. Ўтган йилги тажрибадан келиб чиқиб, бу йил ҳам ушбу амалиётни электрон равишда Ягона порталда жорий қилиш кўзда тутилган.

– Аҳолимиз банк билан боғлиқ жараёнларда ҳалигача ҳужжатбозликлар кўпчилигидан шикоят қилишади. Жумладан, кредит олиш учун мурожаат этилганида иш ҳақи, яна кредит тарихи ҳақида маълумотномалар. Ягона порталда шу каби хизматларнинг жорий этилиши ҳам кўзда тутилганми?

– Албатта, Ягона порталда сиз таъкидлаган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномаларни олиш хизматлари ишга туширилган. Шу пайтгача иш ҳақи тўғрисида маълумотнома олиш учун турли сабаблар билан хонасида бўлмайдиган “бухгалтер”ларни излаб юрардик. Энди бу маълумотномани ҳар ким ўзи шакллантириши мумкин. Унда ойлик иш ҳақи, ундирилган даромад солиғи ва бошқа маълумотлар ҳам қайд этилган бўлади. Мазкур маълумотномага QR-код қўйилганлиги боис унинг электрон ёки қоғоз шаклидагисини исталган банк соҳасидаги хизматлардан фойдаланишда тақдим этиш мумкин. Шу билан бирга бемалол ойлик маошингизни кузатиб туришингиз, у ҳақда маълумотларга эга бўлишингиз мумкин.

Кредит тарихи бўйича маълумот олиш бўйича ишлар ҳам яқунда етиб қолди. Тез орада ушбу хизматдан Ягона портал орқали фойдаланиш имконияти яратилади.

Шу ўринда аҳолига яна бир енгиллик берувчи хизмат ҳақида гапирмоқчиман, бу автотранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш. Биласизми-йўқми, аммо бу жуда оврагарчилик катта, асаб-бузарлиги кўп жараёнлардан бири эди. Энди шу хизматни электрон кўринишда жорий этмоқчимиз. Яъни автотранспорт воситаларини онлайн рўйхатдан ўтказиш ҳамда давлат рақами ва техник паспортини ўзгартириш учун ариза юбориш, автотранспорт воситалари ойналари тусини ўзгартиришга рухсатнома каби хизматлар масофадан – ЯИДХП орқали амалга оширилади. Очиги, бунинг ҳайдовчиларимиз учун энг зўр янгиллик деб биламан.

Сўзим якунида бир нарсани аниқ айтиш ўғинимиз жоизки, Ягона портал аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қулайлик ва имкониятлар мажмуидир. Ягона портал жамоаси бу борада доимий изланишда.

Шоҳида ИСРОИЛОВА сўхбатлашди

МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО

РАЗВИВАЕТСЯ СОТРУДНИЧЕСТВО МЕЖДУ АК "O'ZBEKTELEKOM" И РУП "БЕЛТЕЛЕКОМ"

В рамках XXVII Международного форума по информационно-коммуникационным технологиям "ТИБО-2021" Генеральный директор АК "O'zbektelekom" Назиржон Хасанов встретился с Генеральным директором РУП "Белтелеком" Юрием Петрученя.



В заключение мероприятия стороны договорились о дальнейшем развитии сотрудничества и обмене опытом.

В ходе встречи стороны обменялись информацией о проводимой работе в период пандемии, реализованных проектах в сфере телекоммуникации и развития рынка услуг, а также рассказали о последних достижениях АК между АК "O'zbektelekom" и РУП "Белтелеком".

ЦИФРОВОЙ ТАШКЕНТ


В БЕКТЕМИРСКОМ РАЙОНЕ ПРОВЕДЕНО ИЗУЧЕНИЕ ПО ИСПОЛНЕНИЮ ПРОЕКТОВ В РАМКАХ ПРОГРАММЫ "ЦИФРОВОЙ ТАШКЕНТ"

1 июня текущего года в Бектемирском районе было проведено изучение по исполнению проектов в соответствии с постановлением Президента "О мерах по широкому внедрению цифровых технологий в городе Ташкент".

Стратегией "Цифровой Узбекистан - 2030", утвержденных с целью управления городскими службами, создания интегрированной системы производ-

ственной, транспортной и коммунальной инфраструктур.

Было изучено исполнение поставленных задач в соответствии с комплексной программой "Цифровой Ташкент" при участии ответственных сотрудников территориальной инспекции "Узкомназорат" по городу Ташкент, территориального управления Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций по городу Ташкент, хокимията города Ташкент и Бектемирского района.



В ходе изучения была обсуждена проводимая работа по устранению недостатков в районах, получивших "красную" и "желтую" оценки в соответствии с комплексной программой "Цифровой Ташкент" и со

РЫНОК ТРУДА

ИТОГИ ЯРМАРКИ ВАКАНСИЙ "JOB FEST 2021"

27 мая 2021 года состоялась ярмарка вакансий "JOB FEST 2021" для студентов и выпускников ВУЗов, организованная IT-Park совместно с университетом Inha в Ташкенте.



Участие в ярмарке приняли более 40 крупнейших компаний Узбекистана, в число которых вошли Uztelecom, Uzinfocom, Ucell, Beeline, Sarkor Telecom, Payme, Huawei и др.

Студенты получили возможность пообщаться с представителями компаний, разузнать о доступных вакансиях, перспективах компаний, задать интересующие их вопросы, обменяться контактами и пр.

Кроме того, в рамках ярмар-

ки в университете Inha состоялась "IT Talk", где выступили крупные "игроки" IT-индустрии, топ-менеджеры компаний, а в частности: заместитель директора IT-Park по международной деятельности Боходир Аюпов, директор "ЕРАМ

Узбекистан" Ренат Ахтямов, директор по подготовке персонала "ЕРАМ Беларусь" Евгений Пешкур и другие.

Также в рамках мероприятия на ярмарке состоялся еще один семинар, посвященный успешному трудоустройству и лайфхакам на эту тему. HR-директор IT-Park Ситора Саидходжаева выступила с презентацией на тему "Успешное собеседование и конкурентоспособное резюме", в ходе которой HR-директор также поделилась со студентами советами по трудоустройству, эффективному поиску работу в интернете, рассказала как успешно пройти собеседование с работодателем, правильно составлять резюме и др.

IT-PARK

ДЕСЯТКИ КОМПАНИЙ ЛИШЕНЫ СТАТУСА РЕЗИДЕНТА IT-PARK

Дирекция IT-Park лишила статуса 27 компаний, основанием для этого, стало неисполнение своих обязательств, сообщается на сайте организации.

Согласно постановлению Кабинета Министров от 15 июля 2019 года, резиденты, нарушившие требования Положения лишаются статуса резидента Технопарка, а налоговые льготы могут быть аннулированы, с восстановлением обязательств по их уплате в Государственный бюджет Республики Узбекистан в установленном порядке.



На сегодняшний день количество резидентов IT-Park составляет 466 IT-компаний

Стоит отметить, что в обязанности резидентов IT-Park входит:

- осуществлять исключительно виды деятельности, указанные в бизнес-плане, основанном на видах деятельности согласно Перечню;
- предоставлять в Дирекцию IT-Park на ежеквартальной основе информацию о своей деятельности;
- ежегодно проводить аудит финансово-хозяйственной деятельности и направлять одну копию аудиторского заключения в Дирекцию IT-Park;
- выполнение обязательств, вытекающих из Договора об условиях деятельности резидента с Дирекцией IT-Park.

КОРОТКО

Xiaomi показала HyperCharge — устройство, которое развивает мощность 200 ватт в проводном режиме и 120 ватт в беспроводном.

HyperCharge заряжает модифицированный смартфон Xiaomi Mi 11 Pro с батареей на 4000 мА·ч с нуля до 100% за восемь минут, при этом уровень заряда в 50% достигается за три минуты.

Вредоносное ПО TeaBot (также известное как Anatsa), впервые появившееся в декабре прошлого года и действующее по сей день, пытается обманом заставить жертвы загрузить троянскую программу для кражи конфиденциальных данных, используя для этого поддельные версии популярных приложений.

Как рассказали исследователи кибербезопасности из Bitdefender, фальшивые Android-версии антивирусных приложений, медиаплеера VLC, проигрывателей аудиокниг и пр. имеют имена и логотипы, немного отличающиеся от настоящих. Кроме того, они не распространяются через официальный магазин Google Play, а загружаются со сторонних веб-сайтов.

Генеральный директор Intel Пэт Гелсингер заявил в понедельник, что для решения глобальной нехватки полупроводников может потребоваться несколько лет.

Дефицит чипов уже стало остро ощущаться, в начале эта проблема вынудила автопроизводителей сократить выпуск продукции, затем сигналы начали поступать и из других сегментов.

Пэт Гелсингер на виртуальной сессии выставки Computex в Тайбэе заявил, что тенденция работы и учебы из дома во время пандемии COVID-19 привела к "циклу взрывного роста спроса на чипы", который оказал огромное давление на глобальные каналы поставок.

"Хотя отрасль предприняла шаги по устранению краткосрочных ограничений, экосистеме может потребоваться несколько лет, чтобы решить проблему нехватки производственных мощностей, субстратов и компонентов", отметил Гелсингер.

Компания Western Digital представила бренд SanDisk Professional — решение для хранения данных премиум-класса для профессионалов в создании контента.

Как отмечается, новая линейка включает 16 модульных решений для организации рабочего процесса с премиум-производительностью и надежностью бизнес-класса.



КОМПЮТЕРЛАР

“СИЧҚОНЧАСИ” КЛАВИАТУРАНИНГ ЎЗИДА ЖОЙЛАШГАН БИРИНЧИ НОУТБУК ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Prestigio ва Clevetura 14-дюймий экранга эга, Intel процессори ўрнатилган янги ноутбукни тақдим этди. Ноутбукнинг хос жиҳати — киритиш мосламаси қаерда жойлашгани.

Таъкидлашларича, бу тачпада (сичқонча вазифасини бажарувчи мос-



лама) бевосита клавиатуранинг ўзига ўрнатилган дунёдаги ilk ноутбук. Қурилма TouchOnKeys технологияси базасида қурилган. Ноутбук 2021 йилдан сотувга чиқарилади.

Компания вакиллари бундай ноутбукдан фойдаланиш қулайлигини айтишмоқда: қўлни ҳадеб алоҳида тачпада олиб боришга ҳожаат қолмас экан.

TouchOnKeysда ҳам ҳаракатлар худди оддий тачпаданки каби амалга ошади. Фақат маълумотларни киритиш майдони анча катталашади. Тачпад матнни киритиш тартибидан сенсор бошқарувга автомат тарзда ўтади. Бу мослама курсор ва экрандаги объектларни суриш, саҳифаларни варақлаш (скроллинг), уларнинг ўлчамларини

ўзгартириш, компютер овозини ва экран ёруғлигини бошқариш каби имкониятлар беради. Клавишларнинг ўзи эса қайчи механизми бўйича ишлайди. Бошқариладиган клавишларни ёритиш тизими ҳам бор.

ХАВФСИЗЛИК

ЯШИРИНИШ ДЕЯРЛИ ИЛОЖСИЗ — GOOGLE ХОДИМЛАРИ ҲАҚИҚАТНИ ОЧИШДИ

Google ходимлари иқрор бўлишларича, компания сервисларидан фойдаланувчилар қаерда жойлашганликларини яшира олмайдилар, деяри... ҳатто махсус созуламалар ҳам ёрдам бермайди.

Ушбу маълумотлар Аризона штати (АҚШ) прокуратураси Google компаниясига қарши олиб борган суд жараёнида юзга чиқди. Унда маълум бўлишича, ҳатто фойдаланувчилар жойлашувдан биргаликда фойдаланиш созуламаларини ўчиришгандан сўнг ҳам компания уларнинг қаерда эканликлари ҳақида маълумот тўплашда давом этади. Бундан ташқари, Google махфийлик созуламаларини атайин то-



пиш қийин қилиб қўйган, ўз махфийлик созуламалари фойдаланувчиларга маъқул келган LG ва бошқа смартфон ишлаб чиқарувчи компанияларга эса босим ўтказган...

Хабарда айтилишича, Googleдан яширинишнинг ягона йўли — манзилни дуч келган жойда, кўча-қўйда ўрнатишдир.

Аризона прокуратураси айтиш учун сабаблар боис Google компаниясини фойдаланувчилар ҳақида ноқонуний равишда маълумот тўплашда айблади.

СМАРТФОНЛАР

ДУНЁДАГИ ЭНГ ОММАБОП IPHONE НОМИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Counterpoint Research таҳлил компанияси дунёда қанча фаол iPhone моделлари борлигини ва уларнинг қайси бири 2021 йилда энг оммалашганини ҳисоблаб чиқди, деб хабар беради Hi-Tech.Mail.ru.

Маълум қилинишича, iPhone 11 айни вақтдаги энг оммабоп смартфонга айланган — у умумий улушнинг 16 фоизини эгаллаган. Тўлиқ рўйхат куйидагича:

- iPhone 11 — 16 фоиз;
- iPhone XR — 10 фоиз;
- iPhone 8 — 8 фоиз;
- iPhone 7 — 8 фоиз;
- iPhone 12 — 6 фоиз.

2020 йил бошида iPhone 7 энг оммабоп қурилма сифатида эътироф этилган — у бутун Apple смартфонларининг умумий улушини 13 фоизини эгаллаган. Бир йил ичида янги iPhone 11 вазиятни буткул ўзгартириб юбориб, ҳақиқий бестселлерга айланишга улгурган. Ўтган йил натижаларига кўра,

у нафақат энг оммабоп iPhoneга балки, энг кўп сотилган смартфонга айланган — ҳатто айрим арзон Android моделлар орасида ҳам.

Шу билан бирга, iPhone 11нинг рақобатчиси ҳам маълум. Тадқиқотда маълум бўлишича, iPhone 12 модели ўзидан олдинги моделдан муваффақиятлироқ чиққан — 2021 йилнинг биринчи чораги бўйича у бозордаги барча iPhone моделларининг 16 фоиз улушига эгалик қилмоқда. 2020 йилнинг мос даврида iPhone 11 смартфонлари 15 фоизга кўрсаткични қайд этганди.

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ЛИТВАДАН ПОЛШАГА “ЭЛТАДИГАН” РАҚАМЛИ ПОРТАЛ ЯРАТИЛДИ

Вилнюсда пандемия чекловлари сабаб саёхатларни амалга ошира олмаётган аҳоли учун Полшанинг Люблин шаҳрига элтадиган “дарвоза” пайдо бўлди, деб хабар берди Hi-Tech.Mail.ru.

Лойиҳа илмий-фантастик фильмлардаги порталларни ёдга солиди ва одамларни “бирлик қоясини қайта қўриб чиқиш”га ундайди.



Халқаро ҳаёт

ЖАҲОНДА КОРОНАВИРУСГА ЧАЛИНИШЛАР 15 ФОИЗГА ПАСАЙДИ — ЖССТ

Ўтган ҳафта жаҳон бўйича коронавирუსни юқтириш бўйича 3,5 млн.га ҳолат кузатилди, 78 минг нафардан ортиқ бемор вафот этди. Олдинги ҳафтага солиштирилганда касалланишлар сони 15 фоизга, ўлим ҳолатлари 7 фоизга камайди, бу ҳақда “EurAsia Daily” Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)га асосланб хабар берди.

24 майдан 30 майгача 3 550 456 нафар ковид-бемор рўйхатга олинган, 78 667 нафар бемор вафот этган.

“Worldometer” — га кўра, пандемия бошланганидан бери жами касалланганлар сони 171 934 651 нафарга етди. Вафот этганлар — 3 575 699 нафар, соғайиб кетганлар — 154 415 076 нафар.

Ўтган ҳафтада касалланишлар сони Африка (22 фоиз) ва Ғарбий Тинч океани минтақасида (6 фоиз) ўсди. Европа (26 фоиз), Жануби-Шарқий Осиё (24 фоиз), Шимолий ва Жанубий Америкада (2 фоиз) пасайди.

Африкада ўлим ҳолатлари сони кўпайган (11 фоиз). Бошқа минтақаларда пасайиш: Шарқий Урта ер денгизи (18 фоиз), Европа (17 фоиз), Жануби-Шарқий Осиё (8 фоиз), Ғарбий Тинч океани минтақаси (2 фоиз), Шимолий ва Жанубий Америка (1 фоиз).

АҚШ 30 ЙИЛ ИЧИДА ЭРОНДАН ИККИНЧИ МАРТА НЕФТ СОТИБ ОЛДИ

АҚШ 2021 йилнинг март ойида Эрондан 1,033 млн. баррел нефт ва нефт маҳсулотлари импорт қилди. АҚШ энергетика вазири (ЕИА) маълумотлари бунга шохидлик беради.

Ушбу етказма 1991 йил, АҚШ Эрон нефти импортини тўхтатганидан бери иккинчиси бўлди. ЕИА маълумотларига кўра, биринчиси 2020 октябрида етказилган, ўшанда 1,111 млн. баррел Эрон нефти келтирилган эди.

Қўшма Штатлар Эрон нефтига санкцияларни ҳамон сақлаб турибди ва форс нефти импортёрларига иккиламчи санкциялар жорий этиш билан таҳдид

қилиб келади.

Эслатиб ўтамыз, 2018 йил май ойида АҚШ Эрон билан ядровий битимдан чиққан ва Техронга санкциялар қўлаган, Эрон билан савдо қилаётган мамлакатларга эса иккиламчи санкциялар жорий этганди.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАГИ АЭСДА ЁНГИН СОДИР БЎЛДИ

Улсан (Жанубий Корея)даги “Шин-Кори” атом электр станцияси турбиналаридан бири ёнгин сабабли тўхтатилди. Бу ҳақда “Ренхап” агентлиги Корея Республикаси ядровий ва моддий хавфсизлиги комиссияси (NSSC)га асосланб хабар берди.

Агентлик маълумотига кўра, ёнгин “Шин-Кори” АЭС тўртинчи реакторидида руй берган. Ёнгин бир соатдан сўнг ўчирилган.

NSSC ёнгининг тафсилотларини аниқлаш учун ўз терговчиларини АЭСга жўнатишини маълум қилди. Жабранганлар ёки нуруланиш тарқагани ҳақида хабарлар йўқ, АЭС атрофидаги радиоактив фон белгиланган меъёрдан ошмаган.

Ёнгин кузатилган 1,4 миллион киловатт кучга эга ушбу реактордан 2019 йилдан тижорий фойдаланиш бошланганди.

МАЛИНИНГ МУВАҚҚАТ ПРЕЗИДЕНТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Мали Конституцион суди полковник Ассими Гоитани мамлакатнинг муваққат президенти дея эълон қилди. Бу ҳақда ТАСС хабар берди.

Полковник мамлакатда ўтиш жараёни тугагунча давлат раҳбари ваколатларини бажариб туради.

2020 йилнинг 18 августидида Малида ҳарбий тўнтариш юз берганди. Орадан уч кун ўтиб собиқ мудофаа вазири, истеъфоаги полковник Ба Ндао муваққат президентлиikka сайланганди. Давлат тўнтариши етакчиси Ассими Гоита ўшанда вице-президент лавозимини эгаллаганди.

24 май куни муваққат президент Ба Ндао ҳамда вақтинча бош вазир Моктар Ван ҳарбийлар томонидан

қўлга олинди. Вице-президент Ассими Гоитанинг баёнотида кўра, улар Конституцияга вақтинча қабул қилинган август ойидаги хартияни бузишгани учун ваколатларидан махрум қилинган. Орадан икки кун ўтиб Ба Ндао ва Моктар Ван истеъфога чиқарилгани, давлат раҳбарининг ваколатлари Ассими Гоитага ўтгани ҳақида хабар чиқди.

ҲИНДИСТОНДА МАҲБУСЛАР ОЗОДЛИККА ЧИҚИШДАН БОШ ТОРТМОҚДА

Ҳиндистоннинг шимолидаги Уттар-Прадеш штатида 21 нафар маҳбус коронавирუს туфайли ахлоқ тузатиш муассасасини тарк этишдан бош тортди. Бу ҳақда India Today хабар берди.

Нашр маълумотларига кўра, штатнинг тўққизта қамоқхонасида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Лекин уларнинг 21 нафари штат ҳукуматида бу қарорнинг бекор қилинишини сўраб хат ёзди.

“Маҳбусларнинг айтишича, қамоқхонада мунтазам тиббий кўриklar ўтказилмади. Улар озик-овқатни ўз вақтида олади ҳамда қамоқхонада ўзларини хавфсиз ва соғлом сезади. Уларнинг сўзларига кўра, қамоқхонадан чиқиши билан улар яшаш учун курашишга тўғри келади”, — дейди қамоқхоналардан бирининг директори Анадд Кумар.

Унинг сўзларига кўра, ушбу маҳбуслар ташқарида эмас, балки муассасада хавфсизроқ бўлишига ишонади. Таъкидланишича, давлат маъмурияти ушбу сўровни қондирди.

Нашрнинг ёзишича, май ойининг бошида Ҳиндистонда коронавирუსнинг авж олгани сабабли мамлакат Олий суди қамоқхоналарда маҳбусларни қамайтириш тўғрисида кўрсатма берган эди. Шундан буён 11,5 минг маҳбус жазони ўташдан муддатидан илгари шартли ёки гаров эвазига озод этилди.



МУКОФОТ МУБОРАК

КАСБГА САДОҚАТ СИРИ

Расулжон Россиянинг Вологда вилоятида йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, радиотехника соҳасига қизиқиб қолгани учун Фарғона аҳолига маиший хизмат кўрсатиш техникумига ўқишга кирди. 1986 йилда Фарғона шаҳар телефон-телеграф стациясида иш бошлади.

Ўқувчи электромонтёрлик ҳам ҳаш-паш дегунча ортда қолди. Қисқа фурсатда жамоада ўрин топди. Мижозлар билан муомала маданияти борасида устозларидан таълим олди. Абдурашид Мамасодиқов иш қуролларидан фойдаланишдаги эҳтиёткорликни онгига синдириб олган бўлса, Михаил Хайруллин “Ҳозир сенга осон бўлмапти. Кўриб турибман. Аммо ёдинда бўлсинки, осонликка аллақанча қийинчиликларни енгиб ўтиш орқалигина эришасан”, дерди. Раҳматли Баҳодир ака Ёрматов устозининг ҳам жон куйдириб берган насиҳатлари қалбига малҳамдек сингиб кетарди. Умри зиёда бўлсин Ҳасан Азамов ҳам кўп яхшилик қилган устозларидан бири. Унинг ҳар бир сўзи бир дунё ҳикмат бўлиб туюларди. Бир гал “Яхши мутахассис бўлиб қолдингиз, Расулжон. Бунинг учун сизга катта раҳмат! Энди сиз кимсиз? Сиз устозлик мақомидасиз. Энди устоз бўлинг ёшларга, устоз бўлганда ҳам меҳрибон устоз бўлинг. Зеро, инсон бир-бирига ёрдам



бериш учун тугиладилар, худди қўл қўлга, оёқ оёққа ёрдам бергани каби. Бу эскилардан қолган гап. Шуну бир дақиқа ҳам унутманг. Хўпми?” дея уқтирганди.

Ўтган ойда мукофотланганларни муборакбод этишга бағишланган видеоконференция анжуманида ўтирар экан АКТ вазири Шухрат Содиқовнинг самимий табригидан кўнгли тоғдек кўтарилган дамлар-

да ана шу устозларининг азиз сиймолари бир-бир кўз ўнгидан ўтди. Ҳақларига дуолар қилди. Дарҳақиқат, унинг “Ўз касбининг устаси” фахрий унвонига сазовор бўлишлик мартабасига муяссар бўлишида ана шу улғу устозларнинг ҳиссалари бениҳоядир.

Қаҳрамонимиз қайси лавозимга кўйишса, ўша жойда юксак масъулият билан ишлаб келмоқда. Электромонтёр, техник муҳандис, кабел кавшарловчи, 25-АТС бошлиғи, линия кабел хизмати 245-АТС кабел пайвандловчи... Шуну айиш керакки, айниқса, 25-АТС янги очилганда унинг асл мутахассислик фазилатлар жуда иш берган. Ўзининг тили билан айтганда, ишни нолдан бошлашда унинг билим-тажрибаси жуда ҳам асқотган. Расулжон Рўзимат Назаров, Муҳиддин Обидов каби ўзидан ўзи кетган шогирдларни тайёрлагани, ҳозирда Линур Мамутов, Фурқатжон Муқимжонов, Давронжон Мамасолиев каби ёшларга касб силларини ўргатаётганини, уларни ҳам ўзларига бириктирилган худудни илpidан игнасиғача билишга, раҳбарларга таклифлар кирита оладиган кабелчи қилиб тарбиялашга ҳаракат қилаётганини тилга олди. 225-АТСимизга қарашли Муса Жалил ҳамда Феруз кўчаларида оптик талаби кабел ёқизиши, абонентларни кўпайтиришга эришганларидан мамнун. Навбат Ёруғлик

кўчасига келибди. “Филиалимиз раҳбари айтганидек, биз кечагидек эмас, кечагидан ўн баравар яхшироқ ва сифатлироқ ишлашимиз керак ва биз шунга муваффақ бўляпмиз”, дейди у ифтихор билан.

Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламасида Расулжон Субҳонбердиев каби сергайрат кабел пайвандловчилар, электромонтёрлар талайгина. Сармонали Усмонов, Сергей Аголцев, Шавкатжон Мамадалиев Абдулазиз Ганиев, Исломжон Абдурахмонов, Ҳамроқул Абдуллаев, Турсунали Мадаминов, Мирзохид Обидов кабилар ана шулар жумласидан. Улар ҳам ўз касбларининг моҳир усталаридир. Азаматлар бу касбларда ҳам зукко ақл ва баъзи ҳолларда заргарона қўл кераклигини ўз фаолиятлари мисолида исботламоқдалар.

Қаҳрамонимизни олтмишни қоралаб қолган демайши. Ёшига нисбатан ўн йилларга ёш кўринади. Сабаби, аён албатта. У ҳам бўлса, касбга чексиз муҳаббат ва садоқатдир. Махлуёхон билан бир қиз, икки ўғилни солих инсонлар қилиб қаторга қўшганлар. Ўғли Жаҳонгиржон филиалда ҳайдовчи. Соҳада етуқ ходим бўлиш бахту саодати нелгини Расулжондан сўранг, азизлар.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги муҳбири

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

МЕҲРИБОНЛИК УЙИГА ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ КЎРСАТИЛДИ

Юртимизда вояга етмаганларни моддий ва маънавий жиҳаддан қўллаб-қувватлашни кўзда тутувчи қатор тadbирлар амалга ошириляпти. Хусусан, болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, мустақиллигимиз ва тинчлигимизга раҳна солувчи ҳаракатларга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини йил бўйи манзилли ташкил этишда ҳамда миллий қадрият ва урф-одатларни ёш авлод онгига синдиришда касба уюшмаларининг фаол иштироки таъминланмоқда.

1 июн – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйида хайрия тadbири ўтказилди. Кенгаш раиси А.Ишанходжаев тарбияланувчиларни байрам билан табриклаб, уларга маиший техникалар ҳамда адабий тасаввурни кенгайтирувчи ва чет тилларини ўрганишга ёрдам берувчи китоблар тақдим этди.

Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш ҳамда миллий қадриятларимизни ёш авлод онгига синдиришда касба уюшмалари ҳаракати ҳам бардавом бўлиши шубҳасиз.

Мирзохид ҲАЙДАРОВ,
Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

КОНФЕРЕНЦИЯ

САМАРҚАНДДА ИЛМИЙ АНЖУМАН

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида “Ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий таъминот яратишда инновацион гоялар” мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги 6097-қарорига мувофиқ илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгилаб қўйилган вазифалардан бири илмий салоҳиятни ошириш ва 40 ёшгача бўлган салоҳиятли мутахассислар уллуғини ошириб боришдир. Филиал кадрлари асосан ёшлардан иборат. Шу боис филиалнинг илмий салоҳиятини ошириш ҳамда ёшларнинг илмий йўналишларни танлаши ва тadbиротлар олиб бориши учун стажёр-тadbиротчилик ва таянч докторантурага бориш квотасини йилма-йил ошириб бориш керак. Ҳозирда филиал илмий салоҳияти 38,2 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, филиалда ўтказиладиган илмий-техник конференциялар сони ва сифатини ошириш ҳам муҳим ҳисобланади. 2020 йилнинг ўзида ҳамкор ОТМлар билан иккита “Computational Models and Technologies (CMT2020)” мавзусидаги ва ICISCT-2020 “International Conference on Information Science and Communications Technologies ICISCT” халқаро онлайн конференция ва иккита республика миқёсидаги конференция ўтказилди.

– Бугунги кунда профессор-ўқитувчиларимизга қўйилган талаблардан бири Scopus ва Web of Science базаларида индексланган журналларда мақолалар чоп этиш, буни бажариш орқали филиал ва таянч университетимиз – ТАТУнинг дунё университетлари орасида ўз ўрнини топиши учун ҳисса қўшишдир, – деди анжуманда олийгоҳ директори З.Қаршиев. – Шу мақсадда филиалимизда ўтказиладиган ушбу Республика илмий-техник конференцияси профессор-ўқитувчилар, ёш тadbиротчилар, магистрантлар ва талабалар учун улар олиб бораётган илмий изланишларни оммага етказиш, амалиётга жорий этишга яна бир қадам бўлади,



деб умид қиламан.

Ялпи мажлисда ТАТУ ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази профессори Д.Муҳаммадиева “Кўп мезонли масалаларни ечишга эволюцион ёндашув”, ТАТУ “Информатика асослари” кафедраси мудири, техника фанлари доктори, профессор Б.Мўминов “Интеллектуал мулоқот тизимларида сўровларни яратиш масаласининг зарурати”, Самарқанд давлат университети доценти Э.Ўринбоев “Синов материаллари вариантларининг валидлигини аниқлаш босқичлари”, ТАТУ Самарқанд филиали “Ахборот технологиялари” кафедраси мудири, техника фанлари бўйича фалсафа доктори И.Хўжайоров “Сверткали нейрон тармоқлари асосида нутқ сигналларини таниб олиш усуллари” ва Наманган қурилиш-муҳандислик институти таянч докторанти Ш.Исмоилов “Қўндаланг кесими ихтиёрли стерженларнинг ҳароратни ҳисобга олган ҳолда деформацияланганлик ҳолатини математик таъминоти” мавзусидаги маърузалари билан иштирок этдилар.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали матбуот котиби


ЭЪЛОН

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги 205-ф-сонли фармойишига асосан “Алоқа ва ахборот-

лаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисоб рақамига 2021 йил 28 майда АТ “Алоқабанк” томонидан 250 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Маъжур маблаг

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2021 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

ТАНЛОВГА



ТАЖРИБАМНИ ЁШЛАРГА ЎРГАТСАМ ДЕЙМАН...

Алоқа соҳасида фаолият юритаётганимга 36 йил бўлди... Тошкент электро-техника алоқа институтини 1985 йилда автоматик электралоқа муҳандиси ихтисослиги бўйича тамомлаганман. 2000 йилдан бери “Ўзбектелеком” АК Жиззах филиалининг Техник қўллаб-қувватлаш ва янги техникани тестдан ўтказиш бўлимиди бошқариб келяпман.

Бўлимимиз асосан телеком-муникация қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш, уларни жойларга ўрнатиш, тест-синов ишларини олиб бориш ва фойдаланишга топшириш ишлари билан шуғулланади. Визда кўп йиллик тажрибага эга малакали мутахассислар хизмат кўрсатишда ва улар компаниянинг барча йирик лойиҳаларида фаол иштирок этиб, соҳа ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Виз энди иш бошлаган пайтларимизда аналог русумли қурилмаларга техник хизмат кўрсатардик. Туман ва вилоят марказлари ўрнатилган сўзлашувлар қўлда – коммутаторлар орқали амалга оширилган. Мижозлар бир марта болалиниш учун саатлаб навбат куттишарди. Чунки вилоят марказларига автомат тарзда чиқишнинг имконияти бўлмаган.

Яқин йиллар ичида алоқа соҳасида кўп ўзгаришлар бўлди. 2002 йили Жиззах вилоятида фермер хўжалиқларини телефонлаштириш лойиҳаси доирасида “Жиззах Телеком” филиали тасарруфиди “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиалининг илк база станциялари (Қўйтош, Қангли, Даштобод ва Дўстлик) ишга туширилди. Монтаж, тест-синов ишларида филиал техник ходимлари ҳам фаол қатнашди. Жумладан, 2002–2005 йиллар давомида филиал директори лавозимида ишлаган Шуҳрат ака Одилон ҳам ўз жонбозлигини кўрсатган. Мен ҳам бу лойиҳада шогирдларим билан бирга иштирок этганимдан faxрланиб юраман. Чунки “ЎзМобайл” филиалининг илк абонентлари Жиззахликларидир.

2005 йили “Жиззах Телеком” филиалининг барча телеком-муникациялар боғламаларидаги

АТСК100/2000 русумли станциялар Хитой Халқ Республикасининг HUAWEI компаниясида ишлаб чиқарилган C&C08 рақамли коммутацион станцияга алмаштирилди. Монтаж ишлари филиалнинг маҳаллий ёшларидан иборат техник ходимлар ҳамда HUAWEI компанияси мутахассислари билан биргаликда амалга оширилди. Туман марказларидан нафақат вилоят маркази, балки ер юзининг исталган нуқтаси билан тўғридан-тўғри сўзлашувларни амалга ошириш имконияти яратилди. Эскирган коммутаторлар тўлиқ фойдаланишдан чиқариб ташланди. Халқаро ва шаҳарлараро сўзлашувларни амалга ошириш “07 хизмати” орқали, Жиззах шаҳар марказий коммутатор цехидан марказлашган ҳолда ташкил қилинди.

Биламизки, 2020 йил бутун дунё учун жуда оғир келди. Коронавирус туфайли қанчадан-қанча корхоналар ўз иш фаолиятини тўхтатди, одамлар ишсиз қолишди. Аммо бизнинг соҳа учун синовли, шу билан бирга ривожланиши учун энг самарали йил бўлди, назаримда. Яъни аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг телекоммуникация хизматларига бўлган эҳтиёжи ва талаби ошди.

Ўтган йили Жиззах вилояти телекоммуникация тармоғини кенгайтириш, янги қурилмаларни ўрнатиш ва модернизация қилиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида VDSL технологияси асосида ишловчи умумий сизими 12 800та абонент портига эга жами 35та MSAN, GPON технологияси доирасида жами порт сизими 1216та, абонент сизими 38912та бўлган 27 донa OLT қурилмалари келтирилди. Уларнинг 9таси

Жиззах шаҳар боғламасига, қолган 18таси туман телекоммуникация боғламаларида ишга туширилди.

Сўнгги йилларда соҳани ривожлантиришга давлат томонидан ҳам эътибор кучайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида 99,8 км. масофада оптик толали ҳамда туман марказидан 50 км. узоқликда жойлашган, аҳоли сони 20 мингдан зиёд бўлган Равот Қўй фуқароларига оптик толали алоқа линиялари орқали замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди.

“Ўзбектелеком” АК Жиззах филиали ҳам барча давлат дастурларида фаол иштирок этиб, вилоятда соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, “Обод кишлоқ” давлат дастури доирасида Мирзачўл тумани маркази Гагарин шаҳри, Дўстлик туманидан 12 км. узоқликда жойлашган Манас кишлоғининг ташқи қиёфаси тубдан ўзгартирилди. Яъни худуднинг телекоммуникация инфратузилмасини яратиш мақсадида 10,031 км. оптик толали алоқа линияси ўтказилди. Маҳалла аҳолисига замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун бир донa 96 портли MSAN қурилмаси ўрнатилди. Натيجада худуддаги 5 ва 12-сонли мактаблар, Маданият саройи, “Истиқбол” ҚВП ҳамда

“Айчурек” МТТ масканларида замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Аҳолининг давлат интерактив хизматларидан фойдаланиши учун ахборот маркази ишга туширилди.

Филиалнинг техник ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси магистрал телекоммуникация тармоқлари ва ахборот-коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш (DWDM) лойиҳаси доирасида Жиззах шаҳар, Зомин, Зарбдор, Пахтакор ва Янгиобод телекоммуникациялар боғламаларида ўрнатилган телекоммуникация қурилмаларини захира электр энергияси билан таъминлаш мақсадида филиалимиз олти донa TELEHOW русумли диезел-генераторларни тўлиқ таъмирланган хоналарга ўрнатди ва тест-синов ишлари олиб борилди. Бу ишларда қатнашганимиздан доимо faxрланамиз.

Кўп йиллар давомида орттирган тажрибамни ёшларга ўргатсам деб ўйлаб юрамдир. “Ўзбектелеком” АКнинг 2020 йил 20 ноябр кунини ўтказилган Техник кенгаш йиғилиши баённомасига мувофиқ техник ходимларнинг малакасини ошириш бўйича филиалларда ўқув марказлари ташкил этиш бўйича берилган кўрсатмалар айна кўнглимдаги гаплар бўлди. Филиал раҳбарияти томонидан ўқув марказини ташкил қилиш, хоналарни жиҳозлаш учун мени масъул этиб тайинлашди. Малакали мутахассисларни тайёрлаш, техник ходимларимизни мунтазам равишда малакаларини ошириб бориш, замонавий технологиялар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун шаҳар боғламаси биносиди бўлимимиз ходимлари билан биргаликда янги замонавий ўқув хонасини ташкил қилдик.

Ўқув хонаси керакли барча телекоммуникация қурилмалари билан таъминланди. Бугунги кунгача “Оптик тармоқ ташкил қилиш” ва “Оптик тармоқда техник хизмат кўр-

сатиш” мавзулари бўйича ходимларга ўқув машғулотлари ўтказилиб, натижада оптик кабелларни мустақил равишда пайвандлай оладиган ёшлардан иборат 40дан ортик мутахассислар тайёрланди. Шунингдек, 100дан зиёд ходимларимиз “Абонентларни телекоммуникация хизматларига улаш” мавзусида ташкил қилинган ўқув курсларида қатнашиб, билим ва маҳоратларини оширишди.

Эндиликда “Ўзбектелеком” АКнинг филиали ҳамда филиал таркибидаги боғламаларнинг ташкил этилиш тарихи, уларнинг ўрнатилган телекоммуникация қурилмаларини захира электр энергияси билан таъминлаш мақсадида филиалимиз олти донa TELEHOW русумли диезел-генераторларни тўлиқ таъмирланган хоналарга ўрнатди ва тест-синов ишлари олиб борилди. Бу ишларда қатнашганимиздан доимо faxрланамиз. Кўп йиллар давомида орттирган тажрибамни ёшларга ўргатсам деб ўйлаб юрамдир. “Ўзбектелеком” АКнинг 2020 йил 20 ноябр кунини ўтказилган Техник кенгаш йиғилиши баённомасига мувофиқ техник ходимларнинг малакасини ошириш бўйича филиалларда ўқув марказлари ташкил этиш бўйича берилган кўрсатмалар айна кўнглимдаги гаплар бўлди. Филиал раҳбарияти томонидан ўқув марказини ташкил қилиш, хоналарни жиҳозлаш учун мени масъул этиб тайинлашди. Малакали мутахассисларни тайёрлаш, техник ходимларимизни мунтазам равишда малакаларини ошириб бориш, замонавий технологиялар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун шаҳар боғламаси биносиди бўлимимиз ходимлари билан биргаликда янги замонавий ўқув хонасини ташкил қилдик.

Ўқув хонаси керакли барча телекоммуникация қурилмалари билан таъминланди. Бугунги кунгача “Оптик тармоқ ташкил қилиш” ва “Оптик тармоқда техник хизмат кўр-

Очиғи бу соҳада умримни беҳуда ўтказмадим. Доимо касбим билан faxрланиб юрдим. Компания томонидан амалга оширилган барча лойиҳаларда қатнашдим. Соҳа ривожига муносиб ҳисса қўша оладиган 50дан зиёд шогирдлар етиштирдим. Ҳозирги кунда кўплаб шогирдларим турли давлат органларида хизмат қилишмоқда.

Боймурод БУРОНОВ

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Таҳрир Ҳайъати:

Шуҳрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ, Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Лутфулло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт

Газета саҳифаларини тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилди. Баҳоəsi келишмишган нарҳда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй (Мўлжал Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00
Босишга топширилди вақти — 24.00

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини қақди

Газета “Ўзбекистон” нашриёт матбаа уйи босмахонасида chop этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

V 4703 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табқ. Адади: 5768

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда (74) 226-47-80

Бухорода (99)854-7305

Жиззахда (94) 199-95-64

Наманганда (91) 353-71-25

Навоийда (79) 225-91-10

Нукусада (554) 35-45

Самарқандда (91)557-84-44

Термизда (99)508-30-52

Тошкентда 234-18-59

Урганчада (97) 211-65-05

Фарғонада (73) 244-18-05

Қаршида (93)931-08-99